

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

МУСТАЕВ БАҲРОМ БАҲОДИРОВИЧ

**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ БОҒИ МЕЪМОРИЙ ДАСТУРИНИ
ЯРАТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА ЛОЙИҲАВИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**18.00.01 – Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по архитектуре**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
architecture**

Мустаев Бахром Баҳодирович

Ўзбек миллий боғи меъморий дастурини яратишнинг илмий-назарий
ва лойиҳавий асосларини такомиллаштириш 3

Мустаев Бахром Баҳодирович

Совершенствование научно-теоретических и проектных основ
формирования архитектурной программы узбекского национального
сада 25

Mustayev Bahrom Bahodirovich

Improvement of scientific-theoretical and design bases of formation of the
architectural program of the Uzbek national garden 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

МУСТАЕВ БАҲРОМ БАҲОДИРОВИЧ

**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ БОҒИ МЕЪМОРИЙ ДАСТУРИНИ
ЯРАТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА ЛОЙИҲАВИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**18.00.01 – Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/А9-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/avtoref.html>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Уралов Ахтам Синдарович
меъморчилик фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Салимов Орифжон Муслимович
меъморчилик фанлари доктори, профессор

Мухамеджанов Қобилжон Ҳожимурадович
архитектура номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий Рассомлик ва дизайн институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.A.11.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 7 В-уй. Архитектура факультети мажлислар зали. тел.: +99871 237-11-37, факс: +99871 234-15-11. Web: www.taqi.uz, e-mail: devon@taqi.uz)

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (29-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй. тел.: +99871 234-60-16).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Д.А. Нозилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, арх.д., профессор

Т.Ш. Маматмусаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, арх.ф.д.

Т.А. Ҳидоятлов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, арх.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёнинг илғор мамлакатларида аҳолининг рекреацион истироҳат хизматларига бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда ва боғ-паркчилик санъати экологик устувор ва иқтисодий самарадор йўналиш сифатида фаол ривожланмоқда. Ҳозирда йўқ бўлиб кетган, лекин археологик қазилма ишларида аниқланган тарихий меъморий боғларни жойида қайта тиклаш туризм соҳасини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунга кўра жаҳон боғ-паркчилик санъатида қадимий боғлар анъаналарини тадқиқ қилиш ва уларнинг узвий давоми сифатида янги миллий боғларни яратиш амалиёти шаклланимоқда.

Жаҳон ҳалқлари боғ-парк қурилиши анъаналаридан оқилона фойдаланиш юзасидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларда миллий боғларнинг шаклланиш ва ривожланиш йўллари ўрганиш, уларнинг режавий-тарҳий ечими қонуниятларини аниқлаш, мавжуд тарихий боғларни таъмирлаш ва қайта қуриш тажрибаларига қаратилган комплекс ёндошув муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу илмий тадқиқотларда қадимий боғларнинг қиёсий ўрганилмаганлиги, лойиҳалашдаги замонавий инновацион йўналишларнинг аниқланмаганлиги, шу вақтгача миллий боғларни яратишнинг меъморий дастури ишлаб чиқилмаганлиги ва бу соҳадаги ҳаракатларнинг сустлиги бир қатор муаммоларни юзага чиқармоқда.

Мустақиллик йилларида республикамизда боғ-паркчилик санъатининг самарали йўналишларини аниқлаш ва такомиллаштириш борасида Тошкент, Бухоро, Андижон, Фарғона, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда, туман марказларида мавжуд паркларни қайта қуриш, уларга замонавий функциялар киритиш, техник ва бадиий жиҳозлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уларнинг фаолиятини қайта жонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу борада истиқлол йилларида республикамиздаги боғларнинг бир нечтасини жойларда қайта тиклаш чора тадбирлари белгилаб олинди. Бу вазифалардан кўзланган асл мақсад ўзбек миллий боғини яратиш ва тарихий боғ-парклар мавқеини қайта тиклашдан иборат. «Тарихий қадриятларимизни қайта тиклаш, асраш ва келажак авлодларга безавол етказиб бериш барчамизнинг бурчимиздир»¹. Шундай экан, бугунги кунда ўзбек миллий боғининг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш, мазкур боғни яратишнинг меъморий дастурини замон талабларига уйғунлаштирган ҳолда ишлаб чиқиш боғ-парк санъати ва шаҳарсозлик амалиётининг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 февралдаги ПҚ-322-сонли «2011-2015-йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари Дастурини тасдиқлаш тўғрисида» ҳамда 2013 йил 13 августдаги ПҚ-223-сонли «Ўзбекистон Республикасида ландшафт

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлис палаталари, сиёсий партиялар билан бўлган йиғилишидаги маърузаси. «Халқ Сўзи». – 2017. – 13 июль №137 (6831).

дизайнини ривожлантириш Дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек 2017йил 1 майдаги ПФ-5030-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ва ландшафт архитектураси соҳасига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда, хусусан ўзбек миллий боғини қайта тиклашнинг илмий-назарий асосларини такомиллаштиришда ва ушбу боғнинг лойиҳа таклифларини ишлаб чиқишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маданий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон боғ-паркчилик санъати, унинг тарихи, ландшафт архитектураси ва дизайни, боғ-парк санъатининг замонавий йўналишлари ҳамда объектларини лойиҳалаш масалалари устида Г.А. Пугаченкова², У. Алимов³, Ш.Д. Аскарлов⁴, М.С. Булатов⁵, М. Тўхтаходжаева⁶, М.Қ. Аҳмедов⁷, А.С.Уралов⁸, Л.А. Адилова⁹, К.Д. Рахимов¹⁰, Т.Ф. Қодирова¹¹, Н.В. Дробченко¹², М.А. Юсупова¹³, К.Д. Саттарова¹⁴, Д.А. Нозилов¹⁵, Т.Ш. Ширинов, А.С. Бердимуродов¹⁶, Т.Ш. Матмусаев¹⁷, Х.Х. Камилова¹⁸, С.Н. Садиқова¹⁹, М.А. Талипов²⁰, Ш.И. Абдуллаева, М.Т. Махмудова²¹, Н.Н. Фай-

² Пугаченкова Г.А. Среднеазиатские сады и парки. //В кн.: Из художественной сокровищницы Среднего Востока. – Т., 1987.

³ Алимов Ў. Ўрта асрларда Мовороуннахрда боғчилик ҳўжалиги тарихи. – Т., 1984.

⁴ Аскарлов Ш.Ж. Город, регион, пространство. – М., 1997.

⁵ Булатов М.С. Сады и парки Темуридов. Маскан журналы, 1993, №2.

⁶ Тўхтаходжаева М.С. Общее в архитектурно-планировочных приемах садово-паркового искусства Средней Азии XIV-XV вв. и Индии XVI-XVII вв. //Градостроительства и архитектура. –Т., 1989.

⁷ Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. –Т., 1996.

⁸ Уралов А.С., Садиқова С.Н. Ўрта Осиё анъанавий «чорбоғ» услуби ва замонавий боғ-парк санъати. – Т., 2012.

⁹ Адилова Л.А., Уралов А.С. Боғ ва паркларни таъмирлаш. –Т., 2017.

¹⁰ Рахимов К.Д., Уралов А.С. Шарқ мамлакатларининг боғ-парк санъати. –Т., 2013.

¹¹ Қодирова Т.Ф., Маматмусаев Т.Ш. Улуғбек даврида боғсозлик санъати. //Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши. №2.2009.

¹² Дробченко Н.В. История становления и пути развития ландшафтной архитектуры в Узбекистане. Автореферат дисс. на с.у.с.канд. арх. – Т., 2004.

¹³ Юсупова М.А. Традиции архитектурного сада «Чорбаг» в зодчестве Бухары XVI-XVIII вв. //Средняя Азия: археология, история и культура. – М., 2001.

¹⁴ Саттарова К.Д. Декоративная дендрология и цветоводство. – Т., 2010.

¹⁵ Нозилов Д.А. Чорбоғ. – Т., 1997.

¹⁶ Ширинов Т.Ш., Бердимуродов А.С. Амир Темурнинг боғ-саройлари. – Самарқанд, 1996.

¹⁷ Маматмусаев Т.Ш. Улуғбек даври архитектураси. – Т., 2013.

¹⁸ Камилова Х.Х. Проектирование много-функционального парка города. – Т., 2007.

¹⁹ Садиқова С.Н. Садово-парковое искусство Бабуридов. – Т., 2017.

²⁰ Талипов М.А., Аноркулов Д.Ш. Ўзбекистонда боғ-парк санъати ривожланишининг долзарб масалалари. //Самарқанд шаҳри архитектураси, замонавий шаҳарсозлик ва шаҳар қурилиши муаммолари мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд. 2011.

²¹ Абдуллаева Ш.И. Проблемы реконструкции парков культуры и отдыха в Узбекистане. //Ўзбекистонда шаҳарсозлик ва ландшафт архитектурасини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари мавзусидаги Рес.илм.амал.конф. материаллари. – Самарқанд, 2013.

зуллаева²², А.Э. Жонузоков²³, Ф. Максимов²⁴ ва бошқалар тадқиқот олиб борганлар.

Хорижий ислом мамлакатлари боғ-парк санъатига доир маълумотлар инглиз олимаси Эмма Кларкнинг²⁵ «Искусства исламского сада» (2008) китобида ўз аксини топган. Боғ-парк қурилишидаги меъморий-бадий услублар тарихини эса В.В. Дорминотова²⁶ тадқиқ қилган.

Таъкидлаш керакки, ўзбек миллий боғини замонавий амалиётда қайта тиклаш меъморий дастурини яратиш ғоясининг муаллифи архитектура доктори А.С. Ураловдир. У шогирди С.Н. Садиқова билан ёзган «Ўрта Осиё анъанавий «Чорбоғ» услуби ва замонавий боғ-парк санъати» китобида (2012 й.) ўзининг дастлабки мулоҳазаларини баён қилган. Мазкур диссертацияда устознинг ушбу ғоясини илмий асослаш, кенгайтириш, такомиллаштириш, ривожлантириш ва умумлаштиришга ҳаракат қилинди. Шунингдек, арх. номзоди, проф. К.Д. Рахимовнинг «Боғ-паркларни лойиҳалашнинг замонавий йўналишлари» (2017 й.) китобида ҳамда архитектура бўйича фалсафа доктори С.Н. Садиқованинг «Концепции возрождения садово-паркового искусства Темуридов в ландшафтной архитектуре Узбекистана» номли тадқиқотида келтирилган илмий ҳолатлардан ҳам самарали фойдаланилди.

Юқорида номлари келтирилган тадқиқотчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон боғ-паркчилик соҳасидаги илму-фан ривожини анча мустаҳкамланди, катор дарслик, ўқув қўлланма ва монографиялар яратилди.

Бундан ташқари кейинги йилларда Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг «Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси», «Архитектураравий лойиҳалаш», «Архитектура назарияси ва тарихи» ҳамда «Дизайн» кафедраларида анъанавий боғ-паркчилик қадриятимизга кирган «Чорбоғ» услуби қатор битирув диплом лойиҳалари ва магистрлик диссертацияларида ўрганилди, ушбу боғни яратиш меъморий услубини график қайта тиклашга ҳаракат қилинди. Бироқ, Ўзбекистон боғ-парк санъатининг шаклланиш асослари ва ривожланиш босқичлари, боғ-парклар ривожланишидаги ватанимиз ва замонавий хорижий тажрибалар, ўзбек миллий истироҳат боғини яратишнинг меъморий дастурини илмий асослаш, ушбу боғнинг меъморий атрибутлари ва семантикаси, меъморий-режавий, функционал ва ландшафт ечимларини ишлаб чиқиш масалалари илму-фанда шу чоққача ўз ечимини топмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг илмий-тадқиқот

²² Файзуллаева Н.Н. Мустақиллик йилларида Бухоро шаҳрининг боғ-паркчилик санъатида эришган ютуқлари. //Меъморчилик ва қурилиш муаммолари илм. тех. журнали. №2. 2015.

²³ Жонузоков А.Э. Шаҳар муҳитида боғ-паркларнинг ўрни. //Меъморчилик ва қурилиш муаммолари илм.тех.журнал., №4, 2015.

²⁴ Максимов Ф.С. Анъанавий «Чорбоғ» услубидаги миллий боғларнинг шаклланиш тарихи. – конференция материалларидан.2015.

²⁵ Кларк Э. Искусство исламского сада. //Пер. с.англ. – М.: «Ниола-Пресс», 2008.

²⁶ Дорминотова В.В. История садово-парковых стилей. – М., 2004.

ишлари режасига мувофиқ «Ўрта Осиё ўрта асрлар ландшафт архитектурасида қўлланилган «Чорбоғ» услубини замонавий боғ-истироҳатчилик амалиётида қайта тиклаш» (2009-2011) ҳамда «Ўзбекистон архитектурасининг мустақиллик мафкураси асосида шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш ва самарали ривожлантириш тамойилларини ишлаб чиқиш» (2011-2016) мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда боғ-парк санъатининг шаклланиш асосларини такомиллаштириш ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда ўзбек миллий боғини яратишнинг меъморий дастурини ишлаб чиқиш ва лойиҳавий таклифлар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда боғ-парк санъатининг вужудга келиш асослари ва ривожланиш жараёнларини тадқиқ қилиш;

мустақиллик даври боғ-парк санъатининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

республикадаги мавжуд боғ-паркларни таъмирлаш ва қайта қуриш тажрибаларини ўрганиш;

боғ-парк санъатининг ривожланишидаги замонавий хорижий тажрибаларни тадқиқ қилиш;

ўзбек миллий боғини яратишнинг меъморий дастурини ишлаб чиқиш, илмий-назарий асослаш ва лойиҳавий таклифлар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон боғ-парк санъатига хос тарихий ва замонавий объектлар: маданият ва истироҳат боғлари, чорбоғлар, хиёбонлар, махсус парклар, ёшлар боғи ва ислом боғлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек миллий боғини яратишнинг меъморий дастурини илмий шакллантириш, асослаб бериш, унинг атрибутлари ва семантикасига хос хусусиятларини ўрганиш ва аниқлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари муаммога комплекс илмий ёндошувга асосланган бўлиб, қуйидаги хусусий илмий изланиш усулларини ўз ичига олади: муаммога доир илмий ва махсус адабиётлар, лойиҳа ва ҳужжатларни ўрганишдан тўпланган материалларни таққослаш усулида таҳлил қилиш; боғ-парк санъатига доир тарихий тажрибалар, ютуқлар, анъаналар ва ижодий йўналишларни ўрганиш ва умумлаштириш, экспериментал лойиҳавий таклифлар бериш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон анъанавий боғ-парк санъатининг илдизлари қадимий Эронда кенг қўлланилган «чорбоғ» усулига бориб тақалиши, кейинчалик бу усул Темурийлар даврида такомиллаштирилиб «чорбоғ-хиёбон», «ҳовуз-хиёбон» ва «чорчинор» усулларида ривожланганлиги аниқланган;

Ўзбекистон анъанавий боғ-парк санъатига хос бўлган композицион марказнинг эмбриони ҳовуз эканлиги, боғ кўшки ва ҳовузнинг ҳандасавий параметрлари бир-бирига уйғун тарзда режаланганлиги аниқланган;

ўзбек миллий боғини яратишнинг меъморий дастури ва унинг асосий тамойиллари, жумладан тархий ечими, архитектураси, кўкаламзорлаштириш

усуллари, функционал зоналаштириш ва боғ объектларининг назарий дизайн ечимлари асосланган;

анъанавий боғларнинг меъморий-режавий ечимини ва таркибидаги элементларнинг визуал кўринишини яққол тасаввур қилиш самарадорлигини иккинчи ошённи қўллаш орқали ошириш мумкинлиги аниқланган;

Ўзбек миллий боғининг атрибутларига хос хусусиятлар (ҳовуз, чархпалак, айвон, пешайвон, кайвон, шийпон, чодир, ўтов, фаввора, шаршара, шалола, кўшқлар тарзидаги кўп функцияли маданият ва маърифат саройи, тасвирий санъат асарлари, миллий либослар, кўрғазмалар зали, миллий фольклёр эстрадаси, миллий ўйинлар майдончаси, миллий чойхоналар, чорпоялар, хонтахталар, топиар майдончаси, чорчинор майдончаси) ва семантикасига хос хусусиятлар (боғнинг мафкуравий, ғоявий фалсафий ва романтик ўзига хослиги, кишини ҳис-ҳаяжон ва мушоҳадаларга тортиш даражаси ҳамда таркибидаги меъморий-ландшафт ечимлари) аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон шароитида боғ микро иқлимни яхшилаш мақсадида сув қурилмалари тизими (фаввора, шаршара, шалола, ҳовузлар) ҳамда салқин соя берувчи мевали ва манзарали дарахтларни аралаш, қаторлаб ва якка ҳолда экиш, яшил массивлардан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган;

меъморий боғлар табиий ландшафтини бойитувчи сунъий ва табиий элементлар: қоя ва қирлар, геопластика элементлари, нур архитектураси, кўрғазма ва спорт парклари, мемориал боғлар, том усти боғлари, рангли керамика, чорбоғ, чорчинор, чорчаман, топиар санъати ва ҳоказо бир қатор миллий анъаналар таклифлари берилган;

Ўзбек миллий боғини яратишда меъморий дастурга асосланиб ҳамда ватанимиз ва хориждаги замонавий тажрибалар ҳисобга олиниб, ўзбек миллий истироҳат боғини яратишнинг концептуал лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган илмий ёндошувлар, усуллар ва назарий маълумотларнинг меъморий лойиҳалаш орқали амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги илмий семинарда муҳокама этилиб, ижобий баҳоланганлиги, диссертация натижалари ва лойиҳавий таклифларнинг республикадаги соҳага тегишли ваколатли тузилмалар томонидан эътироф этилганлиги тўғрисидаги далолатномалар билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти замонавий боғ-парк соҳасидаги билимларни кенгайтириш ва бойитиш билан бирга олий таълим муассасаларида «Боғ-парк санъати», «Ландшафт архитектураси ва дизайни» фанларини ўқитишда, лойиҳа ташкилотларида боғ-паркларнинг лойиҳа таклифларини бажаришда катта аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республика боғ-парк санъати амалиётида республикадаги мавжуд боғ-паркларни таъмирлаш ва қайта тиклашда, уларга миллий тус беришда, янги кўринишдаги ўзбек миллий боғларини лойиҳалаш ва яратишда ҳамда архитектура ва шаҳарсозлик, ландшафтлар

архитектураси, ландшафт дизайни таълим йўналишларида ва ушбу таълимлар мутахассисликларининг ўқув жараёнида фойдаланилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек миллий боғининг меъморий дастурини яратишнинг илмий-назарий ва лойиҳавий асосларини такомиллаштириш тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Темурийлар даври боғларини қайта тиклаш бўйича тавсиялар ҳамда республикамиздаги меъморий обидалар атрофини ландшафт ташкиллаштириш, кўкаламлаштириш ва ободонлаштиришда ўзбек миллий боғи структурасидан фойдаланиш юзасидан ишлаб чиқилган лойиҳавий таклифлар амалиётда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги «Маданий мерос» объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармасининг 2019 йил 18 январдаги 01-01/44-сон далолатномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Ўрта Осиё боғ-истироҳатчилик санъатини лойиҳалаш ва яратиш жараёни орқали ўзбек миллий боғини қайта тиклаш имкониятини яратган;

Ўзбек миллий боғини яратишнинг меъморий Дастури ва График-альбом шаклидаги илмий-амалий ва лойиҳавий таклифлар амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 7 февралдаги 06-15/724-сон маълумотномаси). Инновацион илмий-лойиҳавий таклифларнинг қўлланилиши Ўрта Осиё боғ-истироҳатчилик санъатида ўзбек миллий боғини меъморий лойиҳалаш ва яратиш орқали Темурийлар даври анъанавий боғларини қайта тиклаш учун имконият яратган;

Самарқанд вилоятидаги Дарғом ва Булунғур каналлари ён атрофида аҳолининг дам олиши ва туризмни ривожлантириш мақсадида миллий анъаналаримизни қайта тиклашга қаратилган боғларни лойиҳалаш таклифларидан амалиётда фойдаланилган (Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг 2019 йил 15 январдаги 01-57-сон далолатномаси). Мазкур натижанинг амалиётга тадбиқ этилиши нафақат шаҳар худудларида балки туманларда ҳам миллий меъморчилик анъаналари асосида боғ яратишнинг самарали йўналишларини белгилаб берган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг натижалари 27 та илмий ва илмий-услубий ишлар, шу жумладан 1 та меъморий дастур, «Темурийлар ва Бобурийлар даври боғларини ўрганиш асосида ўзбек миллий боғини яратишнинг Меъморий Дастури» бўйича 1 та муаллифлик ҳуқуқи, 1 та илмий-амалий таклифлар ва тавсияномалар, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган нашрларда 11 та илмий мақола (улардан 5 таси халқаро), 13 та илмий тезислар конференция материалларида (улардан 5 таси халқаро конференцияларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иллюстрация қисми ва иловалардан ташкил топган бўлиб, ҳажми 148 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ўзбекистонда боғ-парк санъатининг шаклланиш асослари**» деб номланиб, унда Ўзбекистон илк боғ-паркларининг вужудга келиши ва шаклланиши, Амир Темур ва Темурийлар даври боғларининг ўзига хос хусусиятлари ва семантикаси, хонликлар ва Чор Россияси давридаги боғ-парклар, ҳамда Собиқ иттифоқ даври боғ-паркларининг шаклланиш ва ривожланиш асослари таҳлил қилинган.

Ўзбекистон боғ-парк санъатининг тарихий илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалиб, тарихий, ижтимоий-иқтисодий, ўлканинг табиий иқлим ва маданий шарт-шароитлари ҳамда Буюк Ипак йўли мамлакатлари маданий меросининг таъсири остида ва улар билан бевосита боғлиқ ҳолда шаклланган. Мовароуннаҳрдаги илк боғлар ҳукмдорларнинг ов қилиб дам олишга мўлжалланган улкан «қўриқхона»лари ҳамда уларнинг саройлари, арк-қалъалар ҳовлилари ҳамда шаҳристонлар ичидаги кичик боғлар тарзида шаклланган.

Ўрта асрлардаги боғ-парк санъатининг тизими шаҳарлар ичидаги гузарлар, ҳовузлар, ҳовли боғлари, ҳукмдорлар саройлари, арк-қалъалар ва жамоат бинолари (масжидлар, мадрасалар, мақбаралар, хонақоҳлар) қошидаги кичик боғлардан ташқари рабодлар ҳудудида жойлашган боғлар, ҳамда шаҳарлар ташқарисидаги йирик боғ-саройлар, хиёбонлар, кўрғон-чорбоғлар, намозгоҳлар қошидаги боғлар ва қўриқхоналардан ташкил топган.

Ўрта Осиёда Амир Темур ва Темурийлар даврида боғ-парк санъати янада такомиллаштирилди ва ривожланди. Самарқанд ва Ҳирот шаҳарлари атрофида ўнлаб боғ-саройлар, хиёбонлар шакллантирилди, қўриқхоналар ташкил этилди. Бу даврдаги боғ-саройлар меъморий-режавий ва ландшафт ечимларининг асосини «Чорбоғ» усулида шаклланган мунтазам геометрик режали меъморий истироҳат боғлари ташкил этди. Бу боғларга хос хусусиятлар, асосан, қуйидагилардан иборат:

боғ ҳудудини атроф-муҳитдан дарвоза ва деворлар орқали ҳолилаштириш; меъморий-режавий ва ландшафт ечимини жой рельефига мос тарзда шакллантириш: текис ҳудудларда мунтазам режали симметрик композицияли боғлар яратиш; қияликларда эса мунтазам режани эркин табиат кўринишидаги режавий ечимлар билан узвий боғлаш ва боғ ҳудудини поғоналарга бўлиб чиқиш;

ҳар иккала режавий ечимда мунтазам тартибли симметрик чорбоғ, чорчаман, хиёбон ва чорчинор композицияларини қўллаш;

боғларни кўкаламзорлаштиришда манзарали ва мевали дарахтларни қўллаш, меъморий билан хўжалик боғини мувофиқлаштириш, суғориш шаҳобчаларининг мунтазам ва тежамли тартибини белгилаш;

боғлардаги яшил дунёни «сув дунёси» ва «хайвонот дунёси» билан уйғунлаштириш, ҳар бир дунёнинг экзотик турлари ва шаклларида фойдаланиш;

боғнинг бош биноси (сарой ёки кўшк)ни табиий ёки сунъий ишланган тагкурси, платформа ёки стилобатга жойлаштириш;

боғ хиёбонларининг боши ва охири, кесишган жойларини гўзал меъморий композициялар (дарвоза, ҳовуз, фаввора, кўшк, воиш ва шу кабилар) билан безаш;

куёш нурини эътиборга олиб хиёбонларни уфқ томонига мос ҳолда кўкаламлаштириш ва кўпроқ сувли ва сояли муҳитларни ташкил қилиш.

Мовароуннаҳрда хонликлар даври (XVI-XIX аср боши)да бунёд этилган боғларнинг турлари ва улардаги меъморий-ландшафт ечимлар ҳам асосан «Чорбоғ»лар композицияси ва тамойилларига асосланган. Улардаги айрим фарқлар, масалан боғлардаги ҳовузлар сони, сарой ва кўшкларнинг неча қаватдан иборат бўлишлиги, айрим экзотик ўсимликларнинг хиллари ва боғ ҳайвонлари буюртмачиларнинг дидлари, қизиқишлари, иқтисодий имкониятлари ва маҳаллий табиий шарт-шароитларга қараб аниқланган.

Бироқ, Ўрта Осиёнинг Чор Россияси томонидан забт этилиши ва бу ўлкага Европа маданияти ва Шўролар тизимининг кириб келиши Ўзбекистон боғ-парк санъатининг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихий қадриятларини амалиётдан сиқиб чиқарди. Уларнинг ўрнига Европа боғ-парк санъатининг анъаналари ва социалистик тузумга хос кўп функцияли парклар тизими кириб келди. Албатта ҳар бир ишнинг салбий ва ижобий томонлари бўлганидек, бу соҳада ҳам ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон шаҳарларида қатор маданият ва истироҳат боғларининг яратилиши ҳамда бульварлар, скверларнинг шаклланиши ана шундай ижобий ўзгаришлар сафига кирди. Бироқ, буларнинг барчаси Европа боғ-парк санъати тамойиллари ва социалистик мафкура асосида яратилди.

Собиқ Шўролар даврида Совет давлати томонидан ўйлаб чиқилган «ўзбеклар иши» ва унинг оғир оқибатлари мамлакатда боғ-парк қурилиши амалиёти ва санъатини таназулга учратди. Мустақиллик йилларининг бошларида ҳам боғ-парк қурилиши амалиёти сезиларли даражада сусайди.

Мустақиллик йилларининг бошларида ҳам боғ-парк қурилиши амалиёти сезиларли даражада сусайди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбекистонда истиқлол даври боғ-парк санъатининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиши**» деб номланиб, унда мустақиллик даври боғ-парк санъати, мемориал ва ёшлар боғлари, экопарк, аквапарк, диснейлендлар, замонавий боғ-парк санъатида «Чорбоғ» услубини қайта тиклаш, республикадаги мавжуд боғ-паркларни қайта қуриш ва такомиллаштириш тажрибалари умумлаштирилиб, бу соҳадаги ўзига хос хусусиятлар, етакчи йўналиш ва анъаналар ёритиб берилган.

Истиқлол йилларида боғ-паркларда собиқ совет иттифоқ даври боғларидаги камчиликлар бартараф этилди. Айрим боғларнинг эгаллаган ҳудудлари

кенгайтирилди. Баъзиларида эса боғнинг функционал зоналари эгаллаган ҳудудлар баланси тартибга келтирилди, жумладан ўта камайиб кетган тинч дам олиш ва сайр қилиш зонасининг баланси бошқа зоналар ҳудудларини қисқартириш ҳисобига оширилди ва меъёрий ҳолатлар даражасига яқинлаштирилди. Айрим боғлардаги табиий майдон кенгайтирилиб пляжлар ҳосил қилинди, бошқаларида сунъий сув ҳавзаси зонаси шакллантирилди.

Боғлар ҳудуди ободонлаштирилиб, замонавий ландшафт композициялари асосида кўкаламзорлаштирилди, инновацион ландшафт дизайни элементлари киритилди ва бойитилди, аттракционлар таркиби кенгайтирилди ва янгиланди. Паркларнинг бадиий-эстетик, ландшафт, техник, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий таъминоти яхшиланди. Мазкур бобда истиқлол даври боғ-парк санъати ва қурилишига хос хусусиятлар аниқланди. Улар қуйидагилардан иборат:

А. Парклар ландшафтини шакллантириш ва ташкил қилиш бўйича:

парк ҳудудини атроф-муҳитдан ҳолилаштириш ва унинг транзит ҳолатига йўл қўймаслик;

парк бош дарвозасини меъморий-бадиий бўрттириш;

бош дарвозадан парк ичига асосий хиёбон ўтказиш ва ундан ён томонларга сайргоҳ йўлаклар тортиш;

парк ҳудудини кўкаламзорлаштиришда соя берувчи ва ритмик манзаравий дарахтсимон ўсимликларни қўллаш, парк ичида очик ва ёпиқ кўкаламзор яшил ҳудудларни шакллантириш;

очик яшил кўкаламзор ҳудудларда партер майсазорлар, клумбалар, ҳовузлар, фавворалар, чархпалаклар, рабаткалар, миксбордер ва солитерлардан фойдаланиш;

ёпиқ кўкаламзорларда эса дарахтлардан шакллантирилган ёпиқ хиёбонлар, гуруҳлар, воишлар, яшил массивлардан фойдаланиш;

парк ҳудудини ташқи ва муҳандислик ободонлаштириш қурилмалари ва жиҳозлари билан, жумладан аквадизайн элементлари, мўъжаз меъморий шакллар, кечги ёруғлантириш, ёруғлик эстетикаси ва техникаси билан таъминлаш.

Б. Истироҳат хизматларини ташкил қилиш бўйича:

парк ҳудудини хизмат кўрсатиш турларига қараб функционал зоналарга бўлиш;

истироҳат функцияларини замонавий аттракционлар билан бойитиш; эскиларини янгилаш; аттракционларни болалар ва катталар учун дифференциялаш;

парк ҳудудида енгил тамадди қилиш, овқатланиб дам олиш ва маданий-маърифий томоша қилиш хизматларини йўлга қўйиш;

дам олувчиларнинг ёши ва демографиясидан келиб чиқиб болалар ва ўсмирлар зонасига алоҳида эътибор бериш, ушбу зона аттракционларидан фойдаланишда ҳавфсизликни таъминлаш.

Истиқлол йилларида республикамизнинг қатор шаҳарларида ўзбек халқининг буюк алломалари шарафига аталган қатор мемориал боғ-хиёбонлар ташкил этилди. Фашизм босқинчиларига қарши курашда жон фидо қилган ватандошларимизга атаб барча вилоятларда «Хотира ва қадрият боғлари» бунёд

этилди. Қатоғон йилларида ўлимга маҳкум этилган ватан фидоийлари шанига республикамиз пойтахти Тошкентда «Шаҳидлар хиёбони ва музейи» ташкил этилди. Ўзбекистон учун мутлақо янги боғ концепцияси – «Экобоғ» лойиҳаланиб, амалга оширилди. Тошкент «Ҳайвонот боғи» республика Ботаника боғи ёнига кўчирилиб, унинг ўрнига Ўзбекистоннинг биринчи экопарки барпо этилди. Тошкент шаҳрида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи, «Тошкент диснейленд» боғи, «Аквопарк», Япон боғи, янги «Ашхобод» ва «Локомотив», «Наврўз» боғлари бунёд этилди. Бундан ташқари вилоят ва туман марказларидаги мавжуд маданият ва истироҳат боғлари қайта қурилди, модернизацияланди ва янгилари яратилди.

Бу янгиликлар Ўзбекистоннинг истиқлол йиллари боғ-паркларининг типологиясини қайтадан шакллантирди ва бойитди. Шунингдек, Темурийлар даври «Чорбоғ» услубини Ўзбекистон ландшафт архитектурасида қайта тиклаш ва ўзбек миллий боғини яратиш эҳтиёжи туғилди.

Диссертациянинг учинчи боби **«Боғ-парк санъатининг ривожланишидаги замонавий хорижий тажрибалар»** деб номланган бўлиб, унда Ўрта ва Яқин Шарқ, Узоқ Шарқ ва Европа мамлакатларининг тажрибалари, боғ-паркларни такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган замонавий йўналишлар таҳлил қилиниб, хорижий мамлакатлар боғ-парк санъати ривожланишга хос асосий анъаналар аниқланган.

Ўрта ва Яқин Шарқ, яъни ислом мамлакатлари боғларига хос асосий хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

ислом боғлари худуди тўртбурчак ёки тўғри тўртбурчак тарҳга эга. Айни пайтда, улар тўғри тўртбурчак ичидаги бир нечта тўғри тўртбурчакдан ҳам таркиб топган бўлиши мумкин;

боғ атроф муҳитдан ва ёмон кўзлардан баланд деворлар билан ажратилиб, унга «жаннат» рамзи берилган;

ислом боғларида энг муҳими сув иншоотлари бўлишининг шартлигидир. Сув иншоотлари ислом боғларида деярли чуқур бўлмай, бу ҳолат сувни тежаш заруратидан келиб чиққан. Мазкур иншоотлар боғга «жаннат», яъни ҳолилаштирилган ҳаёт рамзини киритган;

боғлар марказида ҳовуз ёки фаввора жойлашган бўлиб, ундан уфқнинг тўрт тарафига ариқлар чиқарилган. Улар боғ худудини тўртта тенг қисмларга бўлади (Чорбоғ усули). Ҳар бир қисм ўз навбатида яна тўртта бўлакларга бўлиниши мумкин. Уларнинг марказларида ҳам фаввора ёки кўшк жойлашади;

ислом боғларининг ўсимлик дунёси салқин соя берувчи манзарали дарахт-симонлардан ташқари, мевали дарахтлар, буталар, лианлар, хушбўй гулзорлар ва текис майсазорлардан иборатдир;

боғнинг ўсимликлари уларга хос экзотик ҳайвонот дунёси (кўлга ўргатилган охулар, эртакнамо қушлар, ҳовузларда сузиб юрган балиқлар) билан безатилган;

боғ иморат ва кўшклари кўп ҳолларда манзарали баргли ва гулловчи лианлар билан безатилган. Ҳовуз ва фаввораларнинг ички сатҳи кўкимтир яшилсимон фезуза рангли мозайкалар билан пардозланган.

Хорижий мамлакатлар XX аср охири – XXI аср бошлари боғ-парк санъати ривожланишига хос асосий анъаналар эса қуйидагилардан иборат:

парк табиий ландшафтини сунъий элементлар билан бойитиш, бузилган ҳудудлар (қоя ва қирлар, карьерлар ва бошқалар)дан парк қурилиши учун фойдаланиш, парк ҳудудига сунъий ва табиий элементларни киритиш, масалан, геопластика элементларини;

парк ҳудудини ободонлаштириш ва муҳандислик коммуникацияларидан, масалан, замонавий ахборот технологиялари ва «нур архитектураси»дан самарали фойдаланиш;

махсус функцияларга мўлжалланган паркларни яратиш (кўрғазмалар учун парклар, спорт парклари, мемориал боғлар, аквапарклар ва ҳоказо);

турли хил иморатларнинг томларини боғларга айлантириш (том боғлари) ёки интерьерларда ландшафт муҳитини яратиш;

шаҳарларда очик яшил ҳудудларнинг қисқариб бориши натижасида иморатларнинг нафақат интерьерларида, балки деворлари ва экстерьерларида ҳам яшил табиатни қўллаш;

боғ-парк санъатини экологик ташкиллаштириш, яъни табиий тоза парк ландшафтини сақлаб қолиш ғоясини амалга киритиш;

парк ландшафти ҳудудини максимал даражада тежаш, яъни уни қурилишдан тозалаш, зарур иморатларни ер остига жойлаштириш, иморатлар устини майсалар, гуллар билан ёпиш, қуёш нури билан ёруғлантириш зарур бўлган хоналар ва заллар томига махсус ойнали тешиклар ўрнатиш ёки ташқаридан кўринмайдиган ёруғлантирувчи мўъжаз ҳовлилар қуриш;

боғ чегаралари бўйлаб экилган дарахтсимон ўсимликлар ёрдамида боғ ички муҳитини ташқи муҳитдан ажратиш, ҳолилаштириш;

йирик меъморий мажмуалар атрофи ва уларнинг ички ҳовлиларида мўъжаз кичик боғлар яратиш, инсонни табиатдан айри қарамаслик ғоясини ривожлантириш;

яратилаётган боғ ва парклар ландшафтнинг мафтункорлигини ошириш бўйича изланишлар олиб бориш. Бу масалада архитекторларнинг бир гуруҳи тарихий қадриятларни қайта тиклаш ва жонлантиришга ҳаракат қилсалар, бошқалари боғ-парк санъати ва қурилишида экспериментал йўллارни танламоқда;

боғ-парк қурилишида анъанавий ва янги замонавий материаллар имкониятларидан фойдаланиш: бетон, рангли ойна, рангли сопол тоштахталар, рангли керамика, текстил ва бошқалар;

Осиё, Европа, Америка қитъалари боғдорчилик тамойиллари ва усуллари-нинг бир-бирига киришиб, қоришиб кетиши;

бизнес-паркларнинг ривожланиб бориши, паркларнинг хусусийлаштирилиши, янги қизиқарли, инсонни ҳис-ҳаёжонларга солувчи аттракцион-ларнинг яратилиши;

ўтган асрлар анъаналарига қайтиш, миллий боғ-паркчилик санъатини ривожлантириш, чорбоғ, чорчаман, топиар санъати кабиларни қайта тиклаш ва такомиллаштириш, сув ва соя, шабада самараларидан фойдаланиш.

Диссертациянинг «Ўзбекистон боғ-парк санъатининг келажаги – «Ўзбек миллий боғи»ни яратишнинг илмий-назарий асослари ва лойиҳавий таклифлар» деб номланган тўртинчи бобда ўзбек миллий боғини яратиш бўйича ишлаб чиқилган меъморий дастур, ўзбек боғининг атрибутлари ва семантикаси, унинг истироҳат функциялари, ўзбек миллий боғининг ландшафт ечимлари, сув дунёси ва мўъжаз меъморий шакллари бўйича тавсиялар ҳамда илмий лойиҳавий таклифлар берилган.

Ўзбек миллий боғининг семантикаси (боғнинг мафкуравий, ғоявий фалсафий ва романтик ўзига хослиги, кишини шоирона ҳис-ҳаяжон ва мушоҳадаларга тортиш даражаси ҳамда таркибидаги меъморий-ландшафт аломатлари) бизга тарихий яқин бўлган ислом боғларига хос хусусиятларни ўзига сингдириши мақсадга мувофиқ. Чунки ислом мамлакатларида кенг тарқалган анъанавий боғларнинг меъморий ғояси худди биз ўзбекларники каби «Чорбоғ» услубига асосланган. Бу эса бизнинг иссиқ ва қуруқ субтропик иқлим шароитимиз, сув ресурсларимиз ва мафкуравий ғояларимизга ҳамоҳангдир.

Ўзбек миллий боғини яратиш бўйича диссертацияда таклиф этилаётган меъморий дастур мазмуни асосан қуйидагилардан иборатдир:

Боғнинг меъморий ечими мунтазам «Чорбоғ» композициясида ишланиб, унда тўғри йўл ва хиёбонлар, ариқ ва каналлар, ҳовуз ва ҳавзалар, жилдираган фавворалар, хуллас оқар сув ва сояли муҳитнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга бўлмоғи керак.

Боғ иморатларини боғ саҳнидан баландроқ, тепароқ жойларга қуриш ва иложи бориша жанубга қаратиб жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилинганда улардан боғ саҳни ва манзарасининг яхши кўриниб туриши таъминланади. Боғ ариқларидаги сув қуёш нури остида эмас, балки соядан оққани яхши. Боғда кенг ҳовуз бўлиши, унинг атрофларига барги тушмайдиган сояли дов-дарахтлар экилиши мақсадга мувофиқ. Шунда ҳовуз юзи соя билан ёпилади, сув тоза туради, соғлом ёпиқ яшил муҳит ҳосил бўлади. Боғда экилган дарахтлар ортидан жой ташлаб турли нав гуллардан тузилган гулзорлар шакллантирилиб, олдинги ёпиқ яшил муҳитга контраст тарзда очиқ яшил муҳит ҳосил қилинади. Гулзорлар муҳитидан кейин эса доим яшил манзарали дарахтлар экилади. Боғ периметри бўйлаб тирмашиб ўсувчи ва гулловчи буталар экилса яхши чиқади. Боғнинг сўнгги тўрроқ қисмига эса исталган мевали дарахтлардан экилса улар шимолдан эсувчи шамоллардан боғни ҳимоя қилади ва чиройли мевалар беради. Мевали дарахтлар орасига оддий хушқомат анорлар экилиши мақсадга мувофиқдир.

Боғ марказига боғ кўшқини баланд қилиб, тепароқ жойга қуриш зарур, токи ундан бутун боғнинг сўлим манзаралари кўриниб турсин. Кўшқка чирмашган атиргул ва мирт, атрофига эса боғни гулгун ва хушбўй қилувчи гулзорлар ишлаш яхшидир. Ва боғнинг бўйи энидан катта бўлмоғи керакки, унда юрганлар кўзи узоқдаги гўзал манзараларга, чаман ва гулзорларга тушсин.

Миллий ўзбек боғида кўрпачада ўтириб ёки оёқ узатиб дам олишга мўлжалланган миллий ёстиклар, гиламлар, «чорпоя» ёки «тахти равон»лар бўлиши ва энг муҳими уларнинг остидан жилдираган «жаннат ариқлари» суви

оқиб ўтиши мақсадга мувофиқдир. Ариқ ёки канал тагига шағал тошлардан териб чиқилса сувнинг жилдираши янада ошиб кишига завқ бағишлайди.

Миллий ўзбек боғида боғнинг ўзи ва боғ иншоотлари (иморатлар, кўшк, сарой, фаввора, ҳовуз, сўри, чорпоя, йўлак ва ариқлар) боғнинг муҳим таркибий қисмлари деб қаралиб, уларнинг композицияси эса тарҳи ва ҳажмига кўра ўзаро уйғун боғланишда бўлмоғи керак. Ана шу меъморий яхлитлик, яъни боғ ва унинг иморатлари ёхуд боғ элементлари орасидаги уйғунлик боғ дизайнининг бош тамойилига айланиши зарур. Бунинг учун боғ қисмлари, барча элементлар ва иморатлар геометрияси тўғри чизиқли, бир-бирига стилистик ўхшаш, мунтазам, аксли симметрия қонунига асосланган бўлиши талаб этилади. «Чорбоғ» композицияси бу тамойилнинг меъморий гаровидир. Чорбоғ услубида бунёд этилган ва бизгача етиб келган ва келмаган ислом дунёсидаги барча боғлар Темурийлар ва Бобурийлар боғлари, Эрон ва Дамашк, Туркия боғлари буни исботлаб турибди. Бу боғларнинг барчаси (саройлар қошидаги боғлар, шаҳар ташқарисидаги маҳобатли боғ-саройлар, мўъжаз ҳовли боғлари, мақбара боғлари) мунтазам геометрик режавий ечимга, яъни «Чорбоғ» услубига асосланган боғлардир. Уларнинг яратилиш концепциясида юқоридаги меъморий яхлитлик, геометрик мунтазамлик ва симметриядан ташқари «сув ва соя қонуни» мавжуд.

Ўзбек миллий боғида ана шу қонуниятлар, яъни тамойиллар етакчи ўринни эгаллаши зарур. Бу асосий меъморий тамойилларга манзарали ва мевали дарахтлар, кузалиб сунъий шакллар берилган манзарали дарахтлар, токзор (узум), гулзор ва сабзавотлар ҳамда қўлга ўргатилган ҳайвонот дунёсига тегишли жойга ҳам ўрин берилиши шарт. Ана шундагина бу боғ нафақат ўзбекнинг, балки бошқаларнинг дилини ҳам яйратиш хусусиятига эга бўлади.

Бундай боғдаги ариқ сувлари чорпоялар, кўшклар ва дарахтлар сояси тагидан жилдираб оқиб ўтмоғи, ҳовуз ва фавворалардаги сув саҳни эса сайр қилиш йўлакларидан паст бўлиб, уларнинг юзасига қуюқ соя тушмоғи зарур.

Ўзбек миллий боғи бундай сифатларга том маънода эга бўлмоғи, тўғрироғи бу сифатлар унинг энг муҳим меъморий-ландшафт тамойилларидан бири бўлмоғи керак. Боғдаги сув дунёсининг турли меъморий шакллари (арикларда жилдираб оқаётган сув, фавворалардан отилаётган сув, сокин ҳовуз суви, агар боғ қияликда жойлашган бўлиб, саҳни текис поғоналарга бўлинган бўлса шалоларлардан шилдираб оқаётган сув) ҳам анъанавий ўзбек боғига хос муҳим хусусиятлардан бўлиши керак.

Ўзбек миллий боғи ўзида юзаки чирой, манзаравийликни эмас, балки табиат гўзаллиги ва тартиботини, инсон ва табиатнинг илоҳий яхлитлиги ҳамда инсоннинг ердаги роли ва мазмунини чуқур билиш ҳамда тушуниш асосида яратилган анъанавий «Чорбоғ» услубидаги жаннатий боғ бўлмоғи керак.

Ана шундай меъморий тафаккур ва тамойиллар, семантик тушунчалар асосида яратилган ҳар қандай анъанавий шарқона боғ жуда катта ижтимоий-маданий ва бадий эстетик имкониятларга эга бўлиши муқаррардир.

Мазкур бобда ўзбек миллий боғининг юқорида келтирилган сифат ва хусусиятларини эътиборга олиб, уни лойиҳалаш ва шакллантиришга йўнал-

